

ШАРАФИДДИН АЛ ЯЗДИЙНИНГ “ЗАФАРНОМА” АСАРИ ВА УНИНГ САҲНАВИЙ ТАЛҚИНИ

**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Муסיқали, драматик театр ва кино санъати”
кафедраси мудири, доценти Замира Ахмедова**

Тарихда Амир Темур ва темурийзодалар фаолиятига оид кўплаб илмий ва бадий асарлар яратилган бўлиб, улар орасида эронлик улуғ тарихчи олим Шарафиддин ал Яздийнинг “Зафарнома” асари алоҳида мавқе касб этади. Маълумки, ушбу асар XIV асрда амир Темурнинг набираси, Шохрух Мирзонинг ўғли Иброҳим Султоннинг таклифи ва ҳомийлигида ёзилган. Султон саройида хизмат қилувчи олим ушбу асарни ёзишга киришар экан, Амир Темур ҳақида унгача битилган кўплаб машҳур олимларнинг асарларини синчиклаб ўрганиб, факт ва мавжуд маълумотларнинг тўғрилигини аниқлаш мақсадида Амир Темур забт этган ҳудудларга киши ёллаб, аҳоли орасида маълум маълумотларни йиғдирган ва жиддий солиштиришлар асосида ёзишга тайёрланган. Маълумотларда келтирилича, Иброҳим Султон ўз бобоси ҳақида ёзилажак ушбу асарнинг ҳаққонийлиги ва бадииятига жиддий талаб қўйган. Олим асарида Амир Темургача бўлган тарихий вазият ва Амир Темур ҳукмронлик қилган йилларни ёритишни мақсад қилади. Яратилганига қарийб етти аср бўлибдики, ҳануз ҳам жаҳонда ва миллий давлатчилигимиз тарихида “Зафарнома” энг сара асар сифатида қимматини сақлаб келмоқда. Дарҳақиқат, “Зафарнома” бугунги кунгача ва ҳозирда ҳам қанчадан қанча тарихий илмий ҳамда бадий асарларнинг дунёга келишига ишончли манба сифатида хизмат қилиб келмоқда. Умуман, Амир Темур ва темурийлар даври хусусида адиблару носирлар томонидан неки яратилмасин, “Зафарнома”даги манбаларга таяниши, ундан улгу олиши табиий.

Мустақиллик йилларидан миллий тарихимизни тиклаш ва аждодларимиз ҳаёти ва дунё тараққиётга қўшган буюк ҳиссаларини ёритиш, келажак авлодга уларни чуқур ўргатишга катта эътибор бериб келинмоқда. Бунда нафақат фан балки, адабиёт ва санъатнинг ҳам хизматлари сезиларли бўлди. Жумладан, театрлар саҳнасида соҳибқирон Амир Темур образини яратишга қаратилган ижодий изланишлар юзага чиқди. Сўнгги йилларда театрлар репертуарини бадий баркамол тарихий спектакллар билан бойитиш мақсадида сезиларли ишлар амалга оширилаётганлиги сир эмас. Шундай ижобий ҳодисалардан бири сифатида Бухоро вилояти муסיқали драма театри жамоасининг Амир Темур сиймосига бағишланган

“Зафарнома” тарихий спектаклини келтириб ўтиш ўринли. Мазкур сахна асари айнан Шарафиддин ал Яздийнинг “Зафарнома” асари асосида 2016 йилда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишлаб сахналаштирилди. Бугунги кунга қадар ўзбек театр санъатида Амир Темур ва Темурийлар фаолияти туганмас мавзулардан бири ҳисобланиб, уларнинг бадиий образларини яратиш театр ижодкорларидан катта ижодий тайёргарлик талаб қилади.

Ана шундай ижодий изланишларнинг яна бир намунаси сифатида “Зафарнома” спектаклига қўл урилиши театр ижодкорлари томонидан муҳим маданий ҳодиса сифатида қарши олинди. Асар таниқли режиссёр Сайфиддин Мелиев томонидан сахналаштирилиб, “Зафарнома”даги қимматли маълумотларга таянган ҳолда сахнавий талқин этилган. Албатта илмий тарихий асар бошқа, сахнавий асар бошқа. Ушбу спектаклдаги Амир Темур сиймоси ва сахна асарининг бадиий талқини ҳақида атрофлича фикр юритиш мумкин. Унда “Зафарнома”даги Амир Темур ҳақидаги қимматли ва бой материалларидан унумли фойдаланилган, илмийликка асосланиб бадиийлик яратилган.

Маълумки, сахна асарининг дунёга келишида драматургик асоснинг мазмуни, бадиий -ғоявий моҳияти ва шакли муҳим роль ўйнайди. Ушбу спектакль воқеаларида Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келгунигача бўлган фаолиятдан то Темурийлар салтанатининг энг гуллаган давригача бўлган қисми қамраб олинган бўлиб, уни ифодалашда Амир Темурнинг сиёсий фаолиятининг энг муҳим воқеалари спектакль фабуласини ташкил этади. Театрлаштирилган композиция муаллифлари Сайфиддин Мелиев ва Моҳигул Назаровалар “Зафарнома”даги фактлар асосида тарихий воқеликни ёритиш билан биргаликда Амир Темурнинг инсоний ва ҳукмдорлик хусусиятларини, иродаси ва тadbиркорлигини очиб беришувчи воқеалар тизмасини яратишга жиддий эътибор қаратган.

Спектакль драматик ҳикоят услубида бўлиб, унда воқеаларни ҳикоя қилиб берувчи ровий образи киритилиб, бутун воқеалар Яздий образидаги (Анвар Мавлянов) муаллиф томонидан ҳикоя қилиб берилади. Спектакль воқеалари жангу жадаллар сурони эшитилиб турган зим-зиё сахнада шам кўтарган нуроний ровийнинг пайдо бўлиши билан бошланади. У ҳикоя қилиб бераётган кечмишларда 24 ёшли Амир Темур ва Амир Ҳусайннинг Амир Туркманнинг зиндонидаги 62 кунлик қамали, лой жанги ва ундан кейинги Амир Ҳусайн билан бўлган зиддиятлари, рафиқаси Ўлжой Туркон Оғанинг вафоти, Сароймулкхоним билан танишуви, тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзонинг вафоти, Мироншоҳ ва Шохруҳ Мирзолар билан оталик ва ҳукмдорлик муносабатлари, Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон ва турк султони

Елдириим Боязидлар билан бўлиб ўтган зиддиятлари ҳамда салтанатни бирлаштириш йўлидаги турфа жанг-жадаллар намоён бўлади. Бу зиддиятлар ва жанг жадалларни кўрсатиш асносида Амир Темурнинг инсоний ва ҳукмдорлик ҳислатлари, 28 мамлакатни бирлаштириб, улуғ салтанат бунёд этишдаги матонати ва салоҳияти очиқ берилади. Жумладан, спектаклнинг дастлабки зиндон саҳнасидаёқбош қаҳрамон Темур шахсининг улуғвор жиҳатларига ишора берилади. Амир Ҳусайн ўз жонини сақлаш дардида қийналаётган бўлса, Амир Темур халқнинг саросимага тушиб қолишидан чўчиётганлиги, икки амирнинг икки хил дарди орасида қанчалар катта тафовут борлиги кўрсатилади.

Амир Темурнинг ота сифатидаги ҳислатлари ўғли Жаҳонгир Мирзонинг ўлиmidан кейинги изтиробларида, қизи Тоғайшод Оқабегимни ҳар бир юришида ўзи билан бирга олиб юришларида акс этган бўлса, унинг адолатли подшоҳ сифатидаги қаттиққўллиги ва адолати жигарбанди, Табриз ҳукмдори Мироншоҳ билан боғлиқ саҳналарда намоён бўлади. Амир Темур ўз фарзанди бўлишига қарамай, айшу ишратга берилиб, ғанимлар сўзига учиб, халққа оғир солиқлар солаётган, фозил кишиларни дорга тораётган ўғлини адолат юзасидан жазолаб, уни сазойи қилишдан тап тортмайди.

Спектаклнинг юзага келишида актёрларнинг ижроси, роллар талқини анъанавий ёндошувга қурилган бўлиб, унда 20 дан ортиқ персонажлар иштирок этади. Бу персонажларни жонлантирган актёрлар орасида Амир Темур (Муҳаммадамин Насриддинов, Илҳом Тоиров), Мироншоҳ (Шоди Субҳонов), Амир Ҳусайн (Туроб Жумаев), Тўхтамишхон (Раҳим Эргашев), Йилдириим Боязид (Зайниддин Каримов), Мир Саид Барака (Тельман Комилов) сингари персонажларнинг ижро талқинлари ўзига хос аҳамият касб этади. Чунки бу қаҳрамонлар спектакль воқеаларининг ривожланиб боришида жиддий вазифа бажаради. Шу билан бирга бу образларни жонлантириш актёрлардан жиддий тайёргарлик ва аниқ ижро услубини топишни талаб этади. Сабаби, уларнинг ҳеч бири тўқима образ эмас, аксинча тарихий шахслар ҳисобланади. Бундай ролларни ижро этишда актёрдан алоҳида тайёргарлик, тажриба, режиссёрдан эса маҳорат ва мақсадли ёндошувни талаб қилиши табиий.

Спектакл композициядаги бош образ Амир Темур образи талқини актёр учун ҳам режиссёр учун ҳам оғир вазифа юклайди. Чунки, спектаклнинг бутун воқелиги марказида ушбу қаҳрамон туради. Қолаверса, ҳар бир персонаж, ҳар битта воқеа бош қаҳрамон билан боғлиқликда кечади. Умуман, Амир Темур образини яратиш осон иш эмас. “Зафарнома” спектаклида Темур сиймосини талқин этган ёш актёр Муҳаммадамин Насриддиновнинг ижро даражаси ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Актёрнинг қомати, нигоҳи ва

саҳнавий салобати бош қаҳрамон сиймосини гавдалантиришга мувофик келади. Бироқ, улуғ ҳукмдорнинг характери, ички қудратини очиб бериш актёрдан катта ижодий куч талаб этади. Бир сўз билан айтганда Амир Темур сиймосини саҳнада жонлантириш актёрлар учун ҳам ижодий даража бўлиб, ундан ҳам ташқи- қиёфавий, ҳам ички-ижодий салоҳият жиҳатдан етукликни талаб этади. Очиги, бугунги кунда бу каби сиймоларни яратувчи актёрлар тақчил бўлганлиги боис, режиссёр ушбу спектаклда Амир Темур образини талқин этишда бошқачароқ усулни қўллаган. Яъни, Амир Темур бир вақтнинг ўзида содир бўлаётган воқеаларда иштирок этаётган бўлса-да, уларнинг бариқаҳрамон наздида, ички ҳаёллари ва хотираларида қайта гавдаланаётгандек ҳолатни эслатувчи синхрон овоздан, монолог ва диалоглардан фойдаланган. Сабаби саҳнада Темурни ўйнаётган актёр ёш, унинг овози образнинг моҳиятини очиб бера олмаслиги мумкин. Шунинг учун режиссёр бир актёрнинг овоз имконияти ва иккинчи актёрнинг (Илҳом Тоиров) ташқи қиёфасини бир спектаклда бирлаштиришга интиланган. Актёр Муҳаммадамин Насриддинов ёш бўлса-да, ўз ижроси, нигоҳи ва ҳатти - ҳаракатларида Амир Темурга хос ирода, вазминлик, ақл-идроқ ва маънавий бақувватлик, жасурлик хусусиятларини қиёфаси, ҳатти-ҳаракатларида намоён эта билган.

Спектаклдаги Тўхтмишхон, Боязид ролларини жонлантирган актёрлар Раҳим Эргашев, Зайниддин Каримовларнинг ижро талқинлари ҳам ўзига хослиги, характерни номоён қилиш усулларининг аниқ топилганлиги, тарихий ҳақиқат билан саҳна ҳақиқатини уйғунлаштиришда тажрибаларининг мавжудиги билан ажралиб туради. Масалан, актёр Раҳим Эргашев мўғилзода Тўхтамишхонни оддий гапни ҳам бақириб гапирадиган, мулозаматни кўп ҳам ўрнига қўя билмайдиган тўпори ва бироз ёввойироқ характерда ижро этиши билан бирга унинг нақадар ўз кучига ишониши, айёр ва мураккаб одам эканлигини моҳирона ифода этганини кўриш мумкин.

Боязид характерини очилишида эса актёр ўзига хос услуб топишда қаҳрамонининг кучли, вазоҳатли ва ўзига ҳаддан ортиқ ишончини бўрттириб кўрсатса-да, аммо буларнинг тагида аслида ақлсизлик ва ҳаддан ортиқ аҳмоқлик ётишини асос қилиб олган.

Режиссёр ва рассом (*саҳналаштирувчи рассом Завқиддин Ёдгоров*) билан бундай улкан тарихий давр акс этган воқеаларни талқин этишда саҳнавий шартлиликдан унумли фойдаланганлигини кўришимиз мумкин. Айниқса, ҳар жойда кечадиган воқеаларни кўрсатишда саҳнада шартли равишда макон бирлигини таъминлайди. Саҳнани эгаллаган қадим Самарқанд миноралари акс этган декорация ўртасидаги баланд тахт ва уч сарой дарвозаси спектакль давомида ўзгармаган ҳолда томошабинга барча

воқеалар муҳитини кўрсатишга, актёрларнинг сахнада эркин ҳаракат қилишига имконият яратади.

Режиссёр жанг-жадаллар, тарихий вазиятни ифодалашда замонавий медиа техникаларидан унумли фойдаланиб, сарой деворлари сиртида сахнада содир бўлаётган воқеликка мос тарихий видео лавҳаларни кўрсатади. Шунингдек, оммавий сахналарда найза ва қиличлар рамзида Темур лашкарларининг куч қудратини очиб беради.

Яна бир эътиборли жиҳат – спектаклда иштирок этаётган тарихий шахсларнинг ўзаро муносабатлари ва тарихий фактларни ифодалашда режиссёр қатор бадиий ечимлар ўйлаб топган. Масалан, Амир Темур ва Амир Ҳусайннинг қариндошлик ришталари мавжуд. Темурнинг рафикаси Ўлжой Туркон Оғо Амир Ҳусайннинг синглиси. Режиссёр ушбу тарихий фактни томошабинга айтишнинг шаклий усулини қўллайди. Яъни, спектаклнинг бу икки амир ўртасиги нифоқ тушиб, зиддиятлар авж олган сахнасида улар ўртасида турган Ўлжой Туркон қўлидаги алвон матонинг бир тарафини эри Амир Темур тутиб турган бўлса, иккинчи томонидан акаси Амир Ҳусайн тортиб туради. Бу тортишувлар орасида Ўлжой Туркон ҳалак. Аммо бу қариндошлик манфаатлар ва хиёнат туфайли барҳам топдики, охир оқибат иккиси ҳам бу риштани қўйиб юборади... Шу каби сахнавий ечимларда спектаклда сўз ва тарихий фактларнинг жонли тарзда томошабинга етказилишига эътибор қаратилган. *“Биз ким мулки турон, амири Туркистонмиз, биз ким миллатларнинг энг улуғи, туркнинг бош бўғинимиз”*. Спектакль финали ушбу жумлалар жарангида соҳибқироннинг узоқ ва машаққатли курашлар, куплаб зафарлари ва юқотишлар эвазига матонат ва адолат билан бунёд этган салтанати пойтахти бўлмиш Самарқанддаги шонли, гуллаб яшнаган давр билан ифода этилади.

Умуман, сахна санъати ва адабиёт ҳар қандай тарихий ҳақиқатни кўрсатишда нима бўлганлигини, қандай бўлганлигини кўрсатиш билан тушунтиради. Умуман олганда, ушбу спектаклда режиссёр ҳам, ҳар бир актёр, рассомдан тортиб мусиқий безакчигача бўлган барча ижодий жамоа бирдамликда “Зафарнома” мутолаасинининг сахнавий вариантини яратган, десак янглиш бўлмайди.

Ушбу “Зафарнома” спектакли ҳозирда Бухоро вилояти мусиқали драма театри сахнасида намоиш этилиб, улуғ тарихчи қолдирган асарда тасвирланган тарихий воқеалар ва тарихий шахсларни томошабин кўз олдида яққолроқ ва жонлироқ тасаввур эттиришга хизмат қилмоқда.